


	(килограммн рубль ҳисобида)				
	гушт	ўсимлик мойи	қанд-шakar	чай	кирсавун
Алмати	3000	3500	2700	8200	3
Ашгабат	3600	840	850	4100	3
Душанбе	7000	1200	1500	3100	2
Бишкек	1400	2740	1000	2600	5
Мияск	2500	4580	1880	3500—	4
				9000	
Тошкент	3000	1000	1000	2000	4



ИСТИКЛОЛ ҚОМУСИ — БАХТИМИЗ ҚОНУНИ



ТҮЙГА ТҮЁНА

ҲАЕТИМИЗНИНГ бош қонун бўлмиш Конституция-миз ҳур дийрмида ишлаб, меҳнат қилувчи ҳар бир фуқаро учун бениҳоят ардоқли, муқаддас қўлланмадир. Зеро, унда инсоннинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчлари қўғудайдек аниқ ифодасини топан. Асосий Қонунимизнинг 37-моддасида ёниб қўйилгандек «Ҳар бир шахс меҳнат қилиш, эркин касб танлаш, адолатли меҳнат шартларида ишлаш ва қонунида кўрсатилган тартибда иш-сизликлари ҳимояланган ҳуқуқига эгадир».

Мустақил мамлакатимизнинг, халқимизнинг ҳаёт ва фаолият дастури бўлмиш Конституциямиз қабул қилинганга, мана бир йил тўлапти. Эркесар, меҳнатсевар элимиз шу тарихан қисқа муддатда унинг ҳаётбахш энциклопедиясини сезиб, ҳис этиб, яратувчанлик иши билан банд бўлди. Тўйга тўёна тайёрлаш азалдан халқимизга хос одат. Бизнинг ҳўжалигимиз аъзолари ҳам шу аянганга солиқ қўлиб, умумхалқ байрамимиз муносиб меҳнат тўғралари билан кутиб олмақда.

Айтиш жоизки, ҳўжалигимиз сартармоқ рўзор. Лекин иқтисодиётимиз асосини пахтачилик ташкил этади. Бу йил деҳқон учун сартармоқ келганлиги барчага аён. Заршуносларимиз баҳор ва ёз ойларида сидқидилдан меҳнат қилдилар. Бунинг натижаси ўлароқ далада мўл ҳосил этиштирилди. Йил-теримга тайёрларин Вазирлар Маҳкамасининг қарори асосида олиб борилди. Айниқса унда теримга юқори ҳақ тўлаш белгилаб берилгани мавсум муваффақиятини таъминлади. Кузнинг охи қуналарини ганимат билан пахтакорларимиз даладаги бойлигини тейроқ саранжомлаш учун бор имкониятни ишга солидилар. Меҳнатга яроқли ёш қари этак боғлаб, пайкалга чиқди. Шаҳарлик ҳашарчилар, ишчи-хизматчилар, талаба ва ўқувчилар деҳқонларимизга ёрдамга келдилар. Шавкатли механизаторларимиз ғайрат камарини маҳкам боғлаб, машиналарини самарали ишлатишди. Натияжада 31 иш кунини йиллик марра аталди. Ватан оморига 5756 тонна хом ашё жўнатилди. Унинг 4600 тоннаси биринчи ва иккинчи навларга сотилди.

Юқорида айтганимдек, механик-ҳайдовчилар мавсумда ғайрат-шижоат кўрсатишди. Жами терилган ҳосилнинг 4500 тоннадан зиёда пўлат этаклардан бўшатилди. Н. Товбоев, С. Одилов, У. Абдураимов, У. Тўраев, А. Намозов, З. Шакарлов каби суворийларнинг ҳар бири уйған хирмой 100 тоннадан ошиб кетди. Уларга дастлаб 1 тонна пахта учун 1000 сўм, кейинроқ 2000 сўм ҳақ тўланди. Қўл теримида эса 1 килограмм учун 30 сўмдан, сўнгроқ 40 сўмдан берилди.

Ҳўжалигимиз ютуғига йириклаштирилган бригадамиз аъзолари ҳам муносиб ҳисса қўшдилар. Биз нафақат ҳўжалик ёни районда, балки вилоятда ҳам биринчилар қаторида зафар кутгандик. Белгиланган режани бир ярим барабар ошириб адо этдик.

Режа бажарилгандан кейин ҳам йил-теримни тўхтатмадик. Зеро, даладаги оқ олтин пешона тери эвазига этиштирилган. У бебаҳо бойлик, давлат қудратини, мамлакат иқтисодиётини мустаҳкамловчи, оила даромадини оширувчи муҳим манбадир. Республика ҳўкуматининг қарорига кўра, режадаги пахтанинг 20 фоизи ва қўшимча тайёрланган ҳосилнинг ҳаммаси ҳўжалигимиз иштиёрида қолдирилади. Уни эркин харлабда сотиб, мўмай даромад қилиш мумкин. Бу маблағ эса деҳқонларга қўшимча ҳақ сифатида берилади, халқимиз турмуш шартини яхшилашга ишлатилади.

Ҳўжалигимиз бошқа соҳалардаги топшириқларини ҳам муваффақиятли бажарди. Давлатга пилла сотиш режаси 131, макна дони — 157, сабзавот — 109, мева — 172 тоннага ўлдирилди. Чорва маҳсулотлари сотиш эса ойма-ой адо этилмоқда. Ҳўжалигимиз аъзолари қўтлуг байрам — Конституциямиз қабул қилинган куннинг бир йиллигини ёруғ юз билан кутиб олмақдалар.

Маъмурият, касбаб уюшма қўмитаси ва жамоат ташкилотлари ушбу кунни шоду хуррамлик билан ўтказиш юзасидан катта тадбирларни белгиланган. Шунга кўра умумхалқ байрами биз — деҳқону чорвадорлар учун хурсандчилик, ўйин-кулги, тўй-тантана билан ўтади.

Зокир ЯХШИБОВЕВ,
Пахтакор райондаги «Навбахор» ижара-ширкат ҳўжалиги йириклаштирилган бригадаси бошлиғи.

Бош муҳаррирга мактуб

МУНОСИБ СОВГА

«Ўзметасабзавотузмасаноат» концерни Сизни ва Сиз орқали газетангиз тахририяти ходимларини Мустақил Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган куннинг бир йиллик байрами билан қизғин табриклайди. Сизларга соғлиқ-саломатлик, ижодий ишларингизга муваффақиятлар тилаймиз.

Концерн раҳбарияти ушбу байрам билан табриклаш мақсадида ҳар бир ходимимизни концерн ҳисобидан газетангизга обуна бўлишини таъминлашга қарор қилди. Чунки Ўзбекистон Республикасининг

ижтимоий-сиёсий газетаси бўлмиш «Қишлоқ ҳақиқати» рўномаси биз, қишлоқ ҳўжалиги ва қайта ишлаш саноати ходимлари севиб ўқийдиган газеталардандир. Унда бизнинг соҳамизга доир қизиқарли мақолалар, қишлоқ ҳаётидан, деҳқон турмушидан лавҳалар, оддий халқнинг эзгу орзу-умидлари, яшаш тарзи очик ва ҳаққоний ёритилади.

Ўйлаймизки, байрам арафасида бу сизлар учун ҳам, бизнинг жамоамиз учун ҳам яхши совга бўлади.

Ш. МИРЗАЕВ,

«Ўзметасабзавотузмасаноат» концерни бошқаруви раиси.

Қамаши район меҳнатқашла-ри жорий йилда вилоятда биринчи бўлиб йиллик пахта тайёрлаш режасини бажардилар, райондаги «Наврўз» жамоа ҳўжалиги заршунослари ҳосилдорлини гектар бошига 35 центнерга етказишди. Бу ҳўжалик ахлининг Ўзбекистон Конституцияси бир йиллигига муносиб тўғриси бўлди.

СУРАТДА: жамоа ҳўжалиги бошқаруви раиси Б. Мирзаев.

Ш. ШАРПОВ
суратга олган.
(92А).



ДАВЛАТ — ХИМОЯЧИМИЗ

ЕШИМ олтимишга тўлапти. Умрим давомда кўп воқеалар кўрдим. Бир қанча соҳаларга ишладим. Лекин кенсайдан чоғимда фермерлик қилиш насоб этди. Ёшт ишлаб чиқарадиган ширкатда ишлаб юрганимда Президентимизнинг аҳолини чорва моллари ва уларни ема-хашак билан таъминлаш, шахсий ёрдамчи ҳўжаликларни ривожлантириш тўғрисидаги фармонлари чиқди. 1990 йилнинг майида давлат банкидан 150 минг сўм қарз олиб, бозордан қорамоллар харид қилдим.

Тезкиллаш лозим, фермер ҳўжалигини шикли этишимда район ва ҳўжалик раҳбарлари катта ёрдам бердилар. Иштироғига толе ёр, деганлардек ҳаракатларим беғиз кетмади. Орадан бирон ой ўтар-ўтмас сўт топшира бошладим. Давлат ҳўжалиги билан тузилган шартномага кўра мен маҳсулот берадиган, ҳўжалик ема-хашак, техникадан ёрдамлашадиган бўлдим.

Шу тариқа ишларим юришиб кетди. 1991 йилда 150 тоннадан ошми сўт сотдим. Бундан ташқари болалар боғчасини бепул сўт билан таъминлаб келаямиз. Ўтган йилда икки устулгич 40 метр молхона, 80 метр айвон қуриб олдим. Бир нарсадан хурсандман, ускуна ва механизмларни арзон пайтда олиб қўйганим. 100 та сориш апарати ва молхона тозалаткич атиги 3,5 минг сўмга харид қилганим. Ҳозир уларнинг нархи осмонда. Шунингдек «Ўзқишлоқҳўжалик» минотўзатиш давлат-ширкат қўмитаси билан шартнома тузиб, 500 минг сўмлик машина ва механизмлар олиб келдим. Шу тариқа фермер ҳўжалигимизнинг техника саройи барпо этилапти.

ЖАҲОН АНДОЗАСИГА МОНАНД

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг XII чакриқ XI сессиясида мустақил мамлакатимизнинг Конституцияси қабул қилинди. Мустақиллигимиз ҳуқуқий жиҳатдан Асосий Қонунимизда мустақиллик таъминланди. Бу ҳўжат жаҳон сиёсий ҳаритасида янги демократия давлати вужудга келганидан дарак берди.

Қўлимизда республика-миз фуқаролари қатори Ўзбекистон аграосаноат мажмуи ходимлари касбаб уюшмаси Марказий қўмитаси ҳам Асосий Қонунимиз — Конституция қабул қилинганга бир йил тўлашини катта қувонч билан кутиб олмақда.

Қонунимизда жамиятни дунёвий неъматлар орасида энг улуғни инсон деган фикр илгари сурилди ва шу асосида «Фуқаро — жамият — давлат» ўзб.сидаги ўзаро муносабатини янги ҳуқуқий меzonлари белгиланди. Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг деярли барча асосий қондалари, инсон ва унинг эркинлиги акс этирилди.

Бунинг исботи сифатида Конституцияда алоҳида бир боб жамоат бирликларида бағишланганлигини, унда эса меҳнатқашларнинг энг омик-ий бирлишмаси бўлган касбаб уюшмаларига алоҳида ўрин берилганлигини айтиш мумкин. Тарихий ҳўжатка касбаб уюшмаларининг ҳуқуқий манфаатларини таъминлашда давлатнинг мажбурият кўрсатилган бўлиб, касбаб уюшмалари ҳаракатининг ҳўқуқий асоси белгиланган.

Айни вақтда қўраимизда 100 дан зиёд қорамол, 250 бош қўй, 5 бош йилқи парваришланаяпти. Меҳнат жамоамиз 15 кишидан иборат. Улар еттига оиладан бўлиб, рўзгор ҳаракатларини зиммамга олганман. Ишловчиларга яхши ҳақ бераймиз.

Республика ҳўкумати, Президентимиз фермер ҳўжаликлари янада ривожлантириш тўғрисида ҳаётбахш фармонлар, йўл-йўриқлар қабул қилишмоқда. Мустақил Ўзбекистонимиз тобора оёққа туриб, ҳалқаро майдонда ном чиқармоқда. Иқтисодиёти мустаҳкамланиб, халқимиз турмуши бозор муносабатлари қийинчиликларига бардошли бўлаяпти. Ҳўр мамлакатимизнинг биринчи Конституцияси қабул қилинган кун илк бора байрам қилинмоқда. Ушбу асосий қонунимизда мулкчиликнинг барча шакллари теңлиги ва давлат томонидан ҳимоя қилиниши алоҳида кўрсатилган. Чунки 53-моддада ёзилгандек, «Бозор муносабатларини ривожлантиришга қаратилган Ўзбекистон иқтисодиётининг негизини қилиш шаклларидаги мулкчилик ташкил этади. Давлат истеъмолчиларнинг ҳуқуқий устулгичини ҳисобга олиб, иқтисодий фаолият, тадбиркорлик ва меҳнат қилиш эркинлигини, барча мулк шаклларидаги тең ҳуқуқлигини ва ҳуқуқий жиҳатдан баббаравар муҳофаза этилишини кафолатлайди». Бизга катта ҳўжў ва имкониятни кафолатлаб берган Конституциямиз кунини барча фермерлар хурсандчилиги билан ишончанлик билан кутиб олмақда.

Умнат ШОНИМОВ,
Шароф Рашидов райондаги «Бахмал» фермер ҳўжалиги бошлиғи.

Ислом КАРИМОВ:

Конституция халқнинг сиёсий донолиги ва тафаккури маҳсулидир.

Ўзбекистонда давлат ҳўкимиятининг бирдан-бир манбан халқ бўлиб, давлат халқнинг иродасини ифодалайди, унинг манфаатларига хизмат қилади.

Ҳуқуқий давлатнинг асосий белгиси — барча фуқароларнинг қонун олдида теңлиги. Конституция ва қонунларнинг устулгичи таъминланадиган. Ушбу бобокалонимиз Амир Темур айтганларидек: «Қаерда қонун ҳўкмонлиқ қилса, шу ерда эркинлик бўлади».

Ҳўр Ўзбекистонимизнинг тарихида биринчи Конституциясини қабул қилиш жумҳуриятимизнинг янгидаги тўғилишидир, ҳақиқий мустақиллигимизга мустаҳкам пойдевор қуришидир.

Қабул қилинган Конституциямиз асосий қонунимиз сифатида давлатни давлат қиладиган, миллатни миллат қиладиган қонунларга асос бўлиши муқаррар.

Мустақил мамлакатимизнинг биринчи Конституциясида ҳар бир инсон бепул малакалик табибий хизматдан фойдаланишга ҳақли эканлиги алоҳида кўрсатилган. Пойтахт вилояти қўз кесаликлари шифохонаси ходимлари зиммаларидаги масъулиятни чўқур ҳис этиб, аҳолига яхшироқ хизмат кўрсатишга интилянапти. Бу ерда 25 йилдан бери самарали

ишлаб келаятган тажрибали шифокор Мовзур Бекоева беморлар дарадига маҳкам бўлиш билан бирга кўпоб ишларга устулгич қилапти.

СУРАТДА: М. Бекоева (ўнгда) шифокорлар билан беморнинг ҳолатини текширяпти.

Н. МУҲАММАДЖОНОВ
олган сурат.



ҲАР БИРИНИНГ ЎРНИ БОР

Халқимиз сартарманд, болажон миллат. Агар ўзбек хонадонда беш-олтига ўйлиқ ўстирилмаса, ота-онага нимадир камдек туюлаверади. Шу боисдан «Волалик уй бозор, боласиз уй мазор» деб беғиз айтилган. Мустақилликка эришган мамлакатимизнинг биринчи Конституциясида оила, фарзанд, ота-она хусусида алоҳида фикр юритилган. Бинобарин, асосий қонунимизнинг 63-моддасида шундай дейилган: «Оила жамиятнинг асосий бўлиши ҳисобланади. Оилада фарзандлар ҳамда жамият ва давлат муҳофазасида бўлиш ҳўқуқига эга». Шунингдек, мажмуи ҳўжўжата оналик ва болалик давлат томонидан муҳофаза этилиши, воғта

етган, меҳнатга лаёқатли фарзандлар ўз ота-оналари ҳақида рағмўрлик қилишлари ҳақида кўрсатиб ўтилган. Республиканинг раҳбарияти фарзандлар, кам таъминланган оилалар хусусида жамият рағмўрлик қилиб келаяпти. Бунинг ҳақиқати қўриб-билиб турибди. Шунинг учун бозор муносабатларига ўтилаётган шу кезларда қийинчиликларини енгиш осон кечмоқда.

Мен оддий касбим — ҳайдовчиликни ардоқлаб келаятганимга қўй йиллар бўлди. Ҳалол меҳнатим билан болачакамни боқиб, кийинги, элнинг хизматини қиламан. Шукр, бировдан ҳам жойимиз йўқ. Турмуш ўртоғим ҳозирда нафақахўр, у билан олти фарзандим — тўрт ўғил, икки қизим оқ юнб, оқ тараб ўстирибди. Тўнчи-ларимиз уйланиб, турмуш қуриб, ҳаётда ўз ўринларини топишган. Ўғилларим йўлдош билан Юсуф меҳнат қилишга эгаллашди. Иккаласи ҳам ҳайдовчилик қилапти. Юсуф билан Мурод ҳали ўқувчи. Қизларим ҳам ўз ишларини топишган. Оиламиз меҳнатсевар, бахтиёр хонадонлардан. Фидокорона меҳнатимиз билан юртимиз равангага ўз ҳиссамизни қўшаверамиз.

Эргаш ҲУСАНОВ,
Зангиота районидagi «Иттифок» жамоа ҳўжалиги ҳайдовчиси.

ДЎСТЛИК МАЪБУДАСИ

Ҳақ-ҳўқуқ ва эркинликларим камситилмаган, ризқ-рўзим ҳам қисилмаган. Биргина мен эмас, Қарши чўли бағрида нур ишлаб чиқарадиган улкан Тўлимаржон ГРЭСини барпо қиладиган минглаб бунёдкорлар ҳам ана шу дўстлик паноҳида ишлаб, бахтли, фаровон ҳаёт кечираётдилар. Марказий Осиёда энг йирик ва улкан ҳисобланган бу ишюотни дўстликнинг қудратли қўли барпо этмоқда. Ўнлаб турли иштиросдаги ташкилотларнинг 20 мингдан ортиқ киши ва мухтаассилари қўли-қўлга бериб ягона мақсад йўлида тер тўкишмоқда. Бу ерда курувчилар, монтажчилар, электрчилар, сантехниклар, вентиляторчилар, жиҳозларни ўрнатувчи — соловчилар, бошқа касб эгалари — Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатларининг барча вакилларини учратасиз. Мен бошқараётган бригада ҳам қўлимиллатли. 100 га яқин киши, ўндан ортиқ миллат вакиллари бир оила фарзандларидек аҳил, ёнма-ён меҳнат қиладилар, қўни-қўшни бўлиб яшайди. Тўйларимиз ҳам турфа гулларден байналмиллат.

Мураккаб иш жараёни бизлардан ўзаро самимийлик, билим, тажриба, маҳорат талаб қилади. Бригадамиз аъзолари меҳнат қиладиган қайси участкага борманг, ўзбек, рус, украин, қозоқ, татар, тожик халқлари вакиллари қўлни қўлга бериб ёнма-ён ишлятаганининг гувоҳи бўласиз. Ҳаммамизни бир ёқадан бош чиқариб меҳнат қилишга ундаётган қудратли куч дўстлик маъбудасидир.

Халқда юз сўм пулинг бўлмасин, юзта дўстинг бўлсин, деган нақл бор. Дўстлик, аҳиллик бор жойда осойишталик, тўқилиш бўлади. Тинч-тотувлик, осойишталик бор жойда бунёдкорлик ишлари мислсиз ривож топади. Дўстлик устувор бўлган Ўзбекистон МДХ мамлакатлари орасида бунёдкорлик ишлари энг кўп тарққий этгани билан ажраллиб турибди. Дўстлик Ўзбекистон давлатининг қудрати, деб эътироф этган эди Тўлимаржон ГРЭСи қурилишига ташриф буюрган бир хорижлик меҳмон. Чиндан ҳам дўстлик Ўзбекистон халқларининг буюк ютуғи, порлоқ истиқбол.

Бригадамиз звеноларга бўлиниб ГРЭСнинг энг маъсул иштиросчилари бўлиб ишлятишлари ба-жаришмоқда. Ҳозир 4 та энгербобк жойлашадиган улкан бош корпусини барпо қилаяймиз. Энгербобкларнинг ҳар бири беш йил давомида қад ростлайди. Нурхона тўла қувват билан ишга тушгач, Ўзбекистон дунёда энг мўл ва арзон электр энергиясига эга бўлган мамлакатлардан бири бўлиб қолади. Шунингдек, узунлиги 60 метр, эни 10,5 метр бўлган баҳайбат генераторлар ўрнатиладиган майдончаларни, баландлиги 270 метр бўлган осмонлар мўрини бунёд этиш ҳам бригадамизнинг зиммасига юклатилган.

Ўзбекистоннинг янги Конституцияси ўзининг дастлабки саҳифаларидаёқ турли миллатлар ўртасидаги дўстликни мустаҳкамлашга эътиборни қаратган. Чунки 4-моддада «Ўзбекистон Республикаси ўз ҳудудида истиқомат қилувчи барча миллат ва элларнинг тиллари, урф-одатларини таъминлаш, уларнинг ривожланиши учун шароит яратадиган бўлади. Дўстликни улуғлаб, мустаҳкамлашнинг тараннум этган бундай таърифлар бошқа моддаларда ҳам (масалан, 18-модда) учрайди. Қўрбоний турбидики, республика халқлари ўртасидаги дўстликнинг конституциявий негизи яратилган, фуқароларнинг бир хил ҳўқуқ ва эркинлига эга эканлиги, улар дини, ирқи, ижтимоий келиб чиқишидан қатъий назар қонун олдида теңдирлар, деб таъкидланган.

Ўзбекистоннинг амалдаги Конституциясини Тўлимаржон ГРЭСи бунёдкорларининг қўлидан тушмайдиган семимли китобига айлган. Бу қонум дўстликимизнинг мустақиллик таянчидир. Конституциянинг бир йиллик кўтлуг байрамига устакимиз бунёдкорларни арзигулик меҳнат совғалари билан келмоқдалар. Жамоамиз кўтлуг сана арафасида бош корпус қурилишида 134.635 минг сўмлик қурилиш-монтаж ишларини адо этиб, 1993 йилнинг режасини муваффақиятли ўлдирди.

Владислав ЮЖАЛКИН,
Тўлимаржон ГРЭСи қурилиш-монтаж бошқармаси 4-участкаси комплекслашган курувчилар бригадир.

а босилган, қоғоз бичими А—2, Босишга топшириш вақти. 21.00. Босишга топширилди. — 19.0